

Солиқ қўмитаси Раисининг 2024 йилдаги иш режаси асосий йўналишлари

Биринчидан - давлат бюджетига **197,6 трлн сўм**, шунингдек **40 трлн.сўм** қўшимча даромад ва Пенсия жамғармасига **46,8 трлн сўм** тушумларни таъминлаш чоралари кўрилади.

Иккинчидан - солиқ тизимини **маҳалла даражасига тушириш янги институти** фаолияти янада кенгайтирилади ва “**Маҳалла солиқчиси**” ахборот тизими тўлиқ ишга туширилади;

Учинчидан - яширин **540,3 мингта** иш ўринларини легаллаштириш бўйича манзилли иш ташкил этилади, жумладан, такси фаолияти билан шуғулланаётган 300 мингта фуқароларни ўзини-ўзи иш билан банд қилиш тизими орқали “**соя”дан** чиқариш устида иш олиб борилади;

Тўртинчидан - **соҳани рақамлаштириш** изчил давом эттирилади, жумладан:

кичик бизнес субъектларига қўшилган қиймат солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, мол-мулк ва ер солиқларини **солиқ органлари томонидан ҳисоблашга ўтилади**;

товар-транспорт юқ хатларини электрон расмийлаштириш тартиби жорий этилади;

тадбиркорлар томонидан “**Soliq**” мобил иловасида **солиқ ходимлари фаолиятини баҳолаш тизими** ишга туширилади.

Бешинчидан - тадбиркорлик фаолияти кафолатларини янада кучайтириш ва ҳалол рақобат учун тенг шарт-шароит яратиш мақсадида:

концептуал жиҳатдан тубдан янги механизм - **тадбиркорларнинг барқарорлик рейтинги очик-ойдин эълон қилинади**;

жарималар қўллаш институти қайта кўриб чиқилади;

Олтинчидан - солиқ органлари фаолиятини самарали ташкил қилиш, жумладан тадбиркорлик субъектларининг кўмакчисига айлантиришга қаратилган дунёқарашини ўзгартириш, ватанпарвар ва ёш малакали кадрларни шакллантириш, маъмурчиликнинг янги механизmlарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинади.